*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 2 март, пайшанба • № 18 (10.694) • Эркин нархда сотилади

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ АНИҚ

## РЕФЕРЕНДУМДА ҚАТНАШИШ — БУРЧИМИЗ!

### БЕКОБОД ЦЕМЕНТ КОМБИНАТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ШУНДАЙ ҚАРОРГА КЕЛИНДИ

РЕСПУБЛИКА Олий Мажлисининг бўлиб ўтган биринчи сессияси ва унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуидаги маърузаси вилоят меҳнат жамоаларида катта қизиқиш уйғотди.

Мустақиллик йилларида эришилган иқтисодий самаралар таҳлили, демократик жамият қуриш йўл-йўриқлари, иқтисодий муносабатларни янада демократиялаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириб бориш масалалари маърузада батафсил ўз ифодасини топди ва улар цементчилар йиғилишида қизғин муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан корхона ХДП бошланғич ташкилотининг котиби Ғ. Миркомилов, қолиплаш цехи машинисти Л. Беляева, ҳайдовчи А. Чумаев, куйдириш цехи устаси З. Турсунов, режалаштириш бўлими бошлиғи Н. Гришаева, машинист ёрдамчиси Р. Ҳайдаров, чилангарлар бригадаси бошлиғи Э. Эрматовлар Олий Мажлис сессиясининг якунларини муҳокама этар эканлар, янги Парламентнинг юқори малакага эга эканлигини, депутатлар ўз эътиборларини долзарб масалаларга қаратганликларини, мамлакатимиз ижтимоий- сиёсий ва иқтисодий тараққиётига доир муаммолар ҳақида ҳар томонлама фикр юритганликларини таъкидладилар.

Шунингдек, улар маърузада маънавиятни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта эътибор берилганлигини қайд қилдилар.

Цементчилар жамоаси йиғилиши Ислом Каримовнинг сессиядаги маърузасидан ўрин олган қоидалар ва далилларни, шунингдек, Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш ҳақидаги Олий Мажлис қарорини якдиллик билан маъқулладилар.

Комбинат меҳнаткашлари ўз шаҳарлари аҳолисини бўлажак референдумда фаоллик билан иштирок қилишга даъват этдилар.

***

Шунингдек, бундай йиғилиш Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳам бўлиб ўтди. Унда республикамиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси муҳокама этилди. Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар бу дастурда мустақиллик йиллари мобайнида амалга оширилган ишларга муносиб баҳо бериш билан бирга, истиқболдаги режалар ҳақида ҳам батафсил фикр юритилганлигини таъкидладилар.

Йиғилиш қатнашчилари республика Парламентининг Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш ҳақидаги қарорини бир овоздан маъқулладилар.

*Сўз сессия қатнашчиларига*

## МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАГА ОЛИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси иштирокчиси сифатида Ватанимиз тараққиёти, халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ушбу анжуман кўтаринки руҳда ўтганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ундаги юртбошимиз Ислом Каримов маърузаси ҳар биримиз учун зарур дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Маърузада мустақилликка эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар батафсил таҳлил этилиши билан бирга, Ўзбекистонимизни янада буюк ва қудратли давлатлар қаторига қўшиш йўлида бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар аниқ, равшан баён қилинди. Жумладан, маърузада алоҳида таъкидланганидек, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда «Бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала — кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар ташкил қилиб беришдир».

Бу борада бизнинг туманимизда ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда, дейиш мумкин. Жумладан, шу кунларда Заркент қишлоғида ғишт заводи, «Коммуна» қишлоғида консерва цехи, ун заводини бу йил ишга тушириш режамиз бор. Қорақалпоқ қишлоғида бунёд этилаётган Америка билан биргаликдаги қўшма корхона эса Паркент узумини экспорт қилиш билан бирга кўплаб янги иш жойлари очади. Шунингдек, Паркент шаҳрида Тошкентдаги «Ғаффор» гилам тўқиш фабрикасининг филиали кенгайтирилади, бир сменада 20 тонна ун тайёрлаб бериш қувватига эга бўлган тегирмон, терини қайта ишловчи қўшма корхоналар ҳам ишга туширилади Умуман ҳар бир хўжаликда энг камида икки-учтадан кичик корхоналар бўлишига эришиш ниятидамиз. Бу режаларни амалга ошириб яқин келажакда яна 2 минг кишини иш билан таъминлаймиз. Албатта, бундай хайрли ишлар қишлоқлардаги энг катта муаммо — ишсизликни бартараф этиш билан бирга ички бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришда ҳам катта ўрин тутиши шубҳасиздир.

Раҳбар бўлганлигим учун ҳам Президентимизнинг «Токи ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъул эканлигини теран ҳис этсин»,— деган сўзларини тўғри қабул қилдим. Бу маъруза ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни чуқур таҳлил этиб, хулоса чиқариб олишга ундамоқда. Чунки жойларда ислоҳотларни амалга оширишда белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлашда ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантиришда раҳбарнинг роли катта. Биз бугун ўзимизга берилган ваколатлардан тўғри фойдалансак, масъулиятни бўйнимизга олсак мақсадга тезроқ эришамиз.

**Туроп ХОЛТОЕВ,**
**Паркент тумани ҳокими,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.**

*Мен фикр билдираман*

## БУНДАЙ ЭЪТИБОР УЧУН РАҲМАТ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Республикамиз Олий Мажлисининг сессиясидаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқдим. У менда катта таассурот қолдирди. Бу ҳақда тўлқинланиб газетага ёзаётганлигимнинг боиси бор. Анчадан буён бунақа кенг қамровли, даврга, янги мустақил жамиятимизга муфассал тавсиф берилган, шу кунгача республикамизда бажарилган ишлар, амалга оширилиши керак бўлган вазифалар мукаммал, аниқ ва лўнда баён этилган маърузага дуч келмаган эдим. Уни бундан буёнги турмуш тарзимизни йўлга қўйиш, давлатимизни ривожлантиришнинг йўналишлари ифода этилган дастур деб бемалол айтиш мумкин.

Маърузада бир қатор муҳим вазифалар тизимида «...маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири» бўлиб қолиши алоҳида таъкидланган.

Шу муносабат билан ҳозирги шароитларда ўз ишини ниҳоятда секинлик билан қайта қураётган бу соҳа кишилари фаолиятларига танқидий ёндошиб, ишда бурилиш ясашлари, таълим-тарбияни давр талабига мос равишда ташкил этишлари зарурлиги алоҳида қайд қилинган.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа ўқув муассасаларида таълим-тарбия ишлари бўшашиб кетганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Мактабларда дарсликлар етишмайди. Кўпгина билим даргоҳларида ўқитувчи кадрлар танқислиги мавжуд. «Мактаб — оила — маҳалла» ҳамкорлигида ишлашдек бир вақтлари яхши самара берган услубларга эътибор сусайди. Шуларни ўз вақтида англаб, Президентимизнинг мактабга, халқ таълимига бунчалик эътибор бериши мени оддий муаллима сифатида ҳаяжонга солди.

Маърузада таълим-тарбияни юқори поғонага кўтариш учун имконият йўллари кенг очиб берилган. Бугун ёшларни ҳаромдан хазар қилиш, нопокликка, адолатсизликка муросасизлик руҳида тарбиялашга, қолаверса, ҳалқ таълимини такомиллаштириш, уни бугунги кун талабига кўтаришда бу ўгитлар буюк аҳамият касб этиши ҳамиша диққат-марказимизда бўлиши керак.

**Марғуба БОРИСОВА,**
**пенсионер ўқитувчи,**
**Тошкент шаҳри.**

## Наврўз ГА БАҒИШЛАБ

Республика маданият ишлари вазирлиги ва театр арбоблари уюшмаси биргаликда ўтказаётган «Наврўз арафасида» театр фестивалининг биринчи босқичи тугади. Унда пойтахтдаги ўнта театр жамоаси қатнашди. Томошагоҳлар ўн кун давомида мухлислар ҳамда вилоят театрларидан таклиф этилган санъаткорлар билан гавжум бўлди. Нуфузли кўрик комиссияси ҳар бир асарни синчковлик билан таҳлил қилиб борди.

Мухлислар фестивал давомида бир қанча янги асарлар, жумладан, Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрининг «Меҳробдан чаён», Муқумий номидаги театрнинг «Севги нидоси», Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг «От кишнаган оқшом» каби спектаклларини кўришга муяссар бўлдилар. «Кечки қўнғироқ», «Тўйлар муборак», «Ноёб нусха» спектакллари танловдан ташқари намойиш этилди.

— Бу галги анжуман айрим хусусиятлари билан фарқ қилади, — дейди театр арбоблари уюшмасининг котиби, санъатшунослик номзоди Тоҳир Йўлдошев. — Фестивалда қайси жанрдаги асар билан қатнашиш театр ихтиёрида бўлди. Қолаверса, кўрик комиссиясининг, тавсия этилган спектаклларга баҳо берибгина қолмасдан, жамоаларга ижодий кўмаклашиши кўзда тутилди. М. Горький, Й. Охунбобоев номидаги театрларда шунингдек, Маннон Уйғур номидаги санъат институти ўқитувчи ва талабалари билан ўтказилган ижодий учрашувлар фестивал иштирокчилари учун ниҳоятда фойдали бўлди.

Анжуманнинг иккинчи босқичи 6 мартда вилоят театрлари кўриги билан бошланади. Иккала босқич бўйича ғолиблар аниқланиб, мукофотлар Наврўз байрами арафасида топширилади.

**Б. МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚЎШ БАЙРАМ ШАРАФИГА

Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами ва Буюк ғалабанинг 50 йиллиги шарафига Тошкентда ободонлаштириш ишлари қизғин тус олди. Жумладан, Мустақиллик майдонини, Ўзбекистон миллий боғи ва бошқа хиёбонларда катта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Пойтахтнинг Абай ва Ўзбекистон кўчалари кесишган жойда эса янги боғ бунёд этилаётир.

Шунингдек, шаҳарда шонли саналарни муносиб кутиб олиш мақсадида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озодалик ойлиги ўтказилади. Кўча ва хиёбонларга қарийб 50 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 130 минг туп терак ҳамда 100 минг тупдан зиёд турли гуллар экилади.

**(Ўза мухбири).**

## ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Газетада Республика Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март, якшанба куни республикамизнинг референдумини ўтказиш тўғрисидаги ахборотни ўқиб беҳад хурсанд бўлдик. Юртбошимиз бу лавозимга сайлангандан буён мустақил мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, истиқлолга эришилгандан кейин халқ манфаатини кўзлаган қатор қонун ва қарорлар, бутун мазмуни инсонларга ғамхўрлик билан йўғрилган Конституциямиз қабул қилинди. Ўз валютамизга эга бўлдик. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб берган беш тамойил ишлаб чиқилди. Хорижий мамлакатларга кенг йўл очилиб, жаҳоннинг 130 дан зиёд давлатлари республикамизни тан олганлиги, юртимизда уларнинг ўнлаб ваколат хоналари очилганлиги тарихимиздаги унутилмас воқеалардан биридир.

Президентимизнинг бозор иқтисодиёти муносабати билан ислоҳотларни тобора чуқурлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, аҳолини мунтазам ижтимоий ҳимоялаб бориш, чет эл сармояларини республикамизга жалб этиш, қўшма, кичик корхоналарни кўпайтириш, янги-янги иш жойлари ташкил этиш, маданий меросимизга ҳурмат билан қараб, миллий қадриятларимизни тиклаш борасидаги саъй—ҳаракатлари яхши самаралар берганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Юртбошимиз фаолиятида яна энг муҳим жиҳатлардан бири минтақамизда тинчлик, хотиржамлик, осойишталикни таъминлаш борасидаги интилишларида кўзга яққол ташланади. Унинг биргина Тожикистондаги можаролар масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қилган мурожаатлари ва бу ташкилот раҳбарларининг Президентимиз мактубларига эътиборлари Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари орасидаги нуфузи баланд эканлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Республикамиз Олий Мажлисининг шу йил 23—24 февраль кунлари бўлиб ўтган сессиясида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи ниҳоясига етганлиги, иккинчи босқичга ўтганлигимиз қайд қилинди. Президентимиз сессиядаги маърузасида республика аҳли олдида турган ҳаётбахш, улкан вазифаларни изоҳлаб берди. Уларни амалга ошириш йўлларини кўрсатди. Истиқболи ёрқин бу режаларнинг тагида демократик давлат қуриш, халқ фаровонлигини, инсон қадр-қимматини янада ошириш, маънавиятимизни юксалтириш билан боғлиқ аниқ мақсадлар мужассам топган. Бундай беқиёс ва кенг кўламли дастурни рўёбга чиқаришда халққа раҳнамолик қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу режаларни амалга оширишда элим деб, юртим деб фидойилик билан ишлаётган инсонгина қодир деб ўйлаймиз. Шу муносабат билан Президентимиз ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга розилик сўраб ўтказилаётган референдумни биз тўла қўллаб-қувватлаймиз.

**Эркин КОМИЛОВ,**
**Халқ маорифи аълочиси,**
**Тоштемир ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалиги фермери,**
**Тошкент тумани.**




**СУРАТДА: Тошкент вилояти «Турон» илмий-универсал кутубхонаси ходимлари ва китобхонлар биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси материалларини ўрганишмоқда.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ТЕХНИКАГА СУЯНГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Тошкент «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси кенгашининг бирлашма, таъмирлаш корхоналари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда қўмитанинг ўтган йилги иш якунлари ҳамда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш юзасидан корхона ва ташкилотлар олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Бу ҳақда қўмита раиси Т. Жабборов маъруза қилди.

Мустақил республикамиз агросаноат мажмуини замон талаблари даражасида юксалтиришда давлат ширкат қўмитаси соҳанинг асосий тармоғи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври мураккабликларига қарамай қўмита инженер-техник ходимларининг тадбиркорлиги туфайли деҳқон (фермер) хўжаликлари, чорвадор ҳамда боғбонларга энг зарур техника воситалари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилмоқда, ўтган йили тармоқ бўйича қарийб 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда сервиз хизмати кўрсатилди. Деҳқонлар қўмита корхоналаридан 15 мингдан ортиқ турли русумдаги ер ҳайдаш тракторлари, деярли шунча миқдордаги пахта териш машиналари ҳамда 2 мингга яқин дон ва озуқа комбайнлари олди.

Жаҳон агросаноат мажмуи ютуқларини республикамиз иқлим шароитларига мослаб фойдаланиш қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини янада оширади.

Анжуманда ўтган йили ишда йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, қишлоқ хўжалик техникасини экин мавсумига тахт қилиб қўйиш борасида амалий тадбирлар белгиланди.

**П. Нишонов,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси материалларини муҳокама этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда олий ўқув юрти ректори, академик Э. Шайхов Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуидаги маърузаси юзасидан университет ўқитувчилари, олимлари ва талабалари олдида турган вазифалар» тўғрисида нутқ сўзлади.

Сўнгги йиллар мобайнида бу олий даргоҳда халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, бундан буён илмий-техник тараққиётнинг устивор йўналишларини такомиллаштириб бориш университет илмий жамоасининг диққат марказида бўлади. Замонавий юксак технологияларда ишлай оладиган, бозор қонуниятларига мос янгича фикрлай биладиган мутахассислар тайёрлаш мақсадида «мактаб-ўрта-олий таълим-илмий-тадқиқот институтлари» шаклидаги илмий маърифий комплексларни вужудга келтиришга бу олий ўқув юртининг ҳам муносиб улуши қўшилади.

Йиғилишда маъруза юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор Б. Абдалимов, университет аспиранти М. Толипов, талабалар Д. Ҳусанова, О. Юн ва бошқалар маърузада олий таълимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, йиғилишда республика Президенти ваколатини 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги Парламентимиз қарори якдиллик билан маъқулланди.

Йиғилиш иштирокчилари республикамиздаги барча олий ўқув юрти талабаларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

*ЗАНГИОТА ХАБАРЛАРИ*

## АРИҚ — ЗОВУРЛАР ТОЗАЛАНМОҚДА

СУВ хўжалиги бошқармаси баҳорги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрди. Жойларда мавжуд техника воситалари ва қўл кучи билан хўжаликлараро ариқлар, каналлар ва зовурлар пешма-пеш чиқиндилардан тозаланмоқда. Айниқса, «Оқмулла», «Эмади-1», Қорайўл каналларида олиб борилаётган ишлар самарали бўлмоқда. Бу юмушларни адо этишда Далабой Низомов, Абдуҳалим Абдуалиев, Шакар Мажидов каби тажрибали экскаваторчилар унумли меҳнат қилмоқдалар. «Ўзбекистон», «Назарбек», «Зангиота» жамоа хўжаликлари миришкор деҳқонлари эса сув йўлларини тозалаб бўлиб, экин-тикин ишларига киришиб кетдилар.

## СУТ КЎПАЙДИ

«ЎЗБЕКИСТОН» жамоа хўжалиги фермасида ҳар бош сигирдан кунига 9-10 килограммга етказиб серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Илғор сут соғувчилардан Инобат Пиримова, Моҳира Содиқовалар ўз боқувчиларидаги сигирларни яхши парвариш қилиб, юқори маҳсулдорликка эришмоқдалар. Йиллик кўрсаткични сигир бошига 3500—4000 литрга олиб чиқиш учун шу кунларда замин яратмоқдалар.

**Х. ШАРИПОВ.**

# СЕССИЯ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

25 ФЕВРАЛЬ куни Тошкент туманида Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессияси якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган қўшма кенгашга хўжаликлар раҳбарлари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари, маҳаллалар оқсоқоллари ва бошқа фаоллар ҳам таклиф этилди.

Қўшма кенгашни очган туман ҳокимининг муовини А. Тожибоев куни кеча ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида республикамиз Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» ҳақида қилган маърузаси, сессия қарорлари ҳамда улардан келиб чиқувчи келгусидаги долзарб вазифалар тўғрисида тўхталди.

Сўзга чиққан нотиқлар — республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Олий Мажлис депутати Д. Ғуломова, республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси, Олий Мажлис депутати Ш. Темуровлар сессиядан олган ўз таассуротлари, унинг аҳамияти, Президентимизнинг дастурий маърузасида олға сурилган улкан вазифалар, Олий Мажлиснинг Президентлик ваколатлари муддатини узайтириш юзасидан шу йил 26 март куни умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорнинг жуда катта аҳамиятга молик эканлиги ҳақида гапирдилар.

Келес шаҳар ҳокимлигига қарашли «Қирқариқ» маҳалла қўмитасининг оқсоқоли Д. Баҳромов, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман таянч бўлими бошқаруви директори А. Ҳакимова ва туман «Маҳалла» жамғармаси бўлими бошқаруви раиси Э. Ғуломовлар аёллар ва болаларни эъзозлаш, одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларда юртга, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, қадимий урф-одатлар, қадриятлар ва ноёб ахлоқий фазилатларимизни асраб-авайлаш, фарзандларимизни она юртимизнинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш ҳозирги кунда маънавий соҳада ишларимизнинг туб моҳиятини ташкил этажаклигини таъкидладилар.

Қўшма кенгаш қатнашчилари Олий Мажлиснинг референдум ўтказиш ҳақидаги қарорини қизғин маъқулладилар ва ҳаммани 26 март куни Президентлик ваколатлари муддатининг узайтирилишини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, овоз беришга чақирдилар.

Кенгаш охирида республика аҳолисига қарата мурожаатнома қабул қилинди.

## ТОШКЕНТ ТУМАНИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ «МАҲАЛЛА ХАЛҚ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ КЎЗГУСИДИР» ҚЎШМА АНЖУМАНИДА РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА ҚАРАТА ҚАБУЛ ҚИЛГАН

# МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз юртдошлар!

Мана 4 йилдирки, ҳур Ўзбекистон диёримиз тарихда биринчи бор ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олиб, ҳаётимизда ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, 23-24 февраль (1995 йил) кунлари бўлиб ўтган 1-чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессияси ва унда Президентимиз И. Каримовнинг миллий тараққиётимиз йўлидаги сермазмун дастурий маърузасида таъкидланганидек, танлаб олган йўлимиз юртимизда барқарорликни, осойишталикни, фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаб, баракали ва самарли меҳнатга руҳлантирмоқда.

Ижтимоий муносабатларимизда янги асосларнинг яратилиши, давлат бошқарувимиз, иқтисодий қонунларимиз ўзгариб, бозор иқтисодиётига хос янги тизимларнинг барпо этилиши сиёсий мустақиллигимиз учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Миллий давлатчилигимиз билан бир қаторда маънавий меросимиз тарихий маданият ва тилимиз, динимиз, урф-одат ва қадриятларимизнинг ўз қаддини ростлаб олиши ҳар биримизнинг қалбимизда ватанпарварлик туйғуларини жўш урдирмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк эканлигига ҳар биримиз комил ишонч билан қарамоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг ҳаётбахш қарорларини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Президентимиз ваколатини 2000-йилгача узайтириш тўғрисидаги қарорни қўллаб қувватлаймиз ва ҳаммани шу йил 26 март куни бўладиган умумхалқ Референдумида якдиллик билан овоз беришга чақирамиз. Ҳар биримизнинг яшаб турган маҳалламиз Ватан ичра Ватан эканлигини, маҳалла мустақил диёримизнинг бир бўлаги эканлигини, у эзгулик ва тарбия бешиги, фахримиз ва ор-номусимиз эканлигини унутмайлик. Хонадон ва кўчаларни обод этиш, ариқларни тозалаб, уларнинг четларида гунафша, ялпиз ва шифобахш ўсимликлар ўсишига, ариқларда шаффоф сувларнинг оқиб туришига эришайлик. Терак ва мевали дарахтлар экайлик, донишмандлар «Бир туп тут эксанг, юз йил маржон терасан», деганларидек шифобахш балх тутлари, ёнғоқ ва ўрикларни кўплаб экайлик. Оммавий ҳашар, соғлом авлод учун курашиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, меҳр-оқибат, саховат, ўзаро ҳурмат, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларга ғамхўрлик қилиш ҳар биримизнинг муқаддас дастуримиз бўлсин.

Оилалардаги аҳиллик, иноқлик, ширин турмуш, ўғил-қизларни буюк келажагимиз учун муносиб этиб, уларни ақлан, жисмонан ва ахлоқан соғлом ватанпарвар этиб тарбиялаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, миллатлараро дўстлик ва қардошлик, миллий анъана ва урф-одатларимизга садоқатли бўлиш, маърифат ва маънавият чашмаларидан доимий баҳраманд бўлиш, тўй ва маъракаларимизни намунали, ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказиш, ичкиликбозликка йўл қўймаслик ҳар бир маҳалламизни кундалик фаолиятининг бош меъзони бўлиб қолсин. Бу соҳаларда эришган барча ютуқларимиз яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ҳайити, 8-март, Наврўз ва Буюк ғалабанинг 50 йиллик байрамларига муносиб туҳфа бўлиб қолишига ишончимиз комилдир.

**Мурожаатнома Тошкент туман маҳалла хайрия жамғармаси бошқаруви, туман хотин-қизлар Кенгаши ва туман «Соғлом авлод учун» таянч бўлимининг 1995 йил 25 февраль куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишида қабул қилинди.**

# ИЙД ур-РАМАЗОН МУБОРАК!



Бисмиллоҳирроҳманирроҳийм!

Ассаломуалайкум аҳлул ислом вал жамоа!

Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинким, мана бугун табаррук моҳирамазон ойини эсон-омон ниҳоясига етказиб, Ийд ур-Рамазон айёмларига мушарраф бўлиб турибмиз. Зотан, Оллоҳ «Ассавму ли ва ана ажзи биҳи» яъни рўза мен учундир, унинг савобини эса рўза тутгувчиларга бергайман, дейди. Бас, шундай экан, рўзанинг ажрини бизларга берадиган бу савобнингададини ҳеч ким битиб адо қилолмас, унинг ҳисобини фақат Яратганнинг ўзигина билади. Зотан, чин ихлосмандлар рўзани кўз, тил, қулоқ, оёқ ва қўл билан тутадилар. Бунинг маъниси шулки, кўз номақбул ва ношаръий нарсаларга боқмайди, тил абас ва бадкас калималарни айтмайди, қулоқ бадгўй ва совуқ сўзларни эшитмайди, оёқ нодуруст жойларга бормайди, қўл ярамас ашёларни тутмайди.

Эртадан Ийд ур-Рамазон яъни Рамазон ҳайити бошланади. У уч кун давом этади. Жаҳон мусулмонларининг икки диний байрами бўлиб, бири катта ҳайит — Қурбон ҳайити (арабчасига ийд — ул-кабир ёки ийд ул-адҳо деб аталади)дир. Иккинчиси кичик ҳайит — рўза ҳайити (арабчасига ийд ус-сағир ёҳуд ийд ул-фитр)дир. Ийд ул-фитр шаввал ойининг 1-3 кунларида нишонланади.

Ийд ур-Рамазон шодлик ва хурсандчилик, шукроналик ва тавозеълик кунларидир. Фитр байрамининг биринчи кунида тонг отгандан сўнг озгина бирон-бир ширин таом еб олмоқ, ғусл қилмоқ, мисвак ила оғизни покламак, яхши ва тоза либослар киймак, хушбўй нарсалардан фойдаланмак, ҳайит намози ўқиладирган ерга пиёда бормак, бориш ва қайтиш асносида фақир ва мискинларни йўқлаб, садақа бермак бағоят матлуб ва сервасоб амаллардир.

Бугун чин арафа. Ҳар бир муслим хонадонида одатан, албатта, ош дамланади. Ноз-неъматлар бисёр бўлади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига ош ва турфа пишириқлар чиқарадилар. Болакайлар улкан боболари ва момолари, амаки ва тоғалари, амма ва холаларидан, яқин қариндош-уруғ, ҳешу-ақраболардан хабар оладилар ва уларникига совға-саломлар элтадилар, ўз навбатида эркалик билан ҳайитлик оладилар.

Ҳақнинг ўзига ҳазор бор шукрким, мана, тўртинчи йилдирки, Оллоҳнинг кароматии, Президентимизнинг шарофати билан мустақиллигимизнинг лавҳу-латофати туфайли юртимизда ийд ур-Рамазон, ийд ул-Қурбон ўзгача шукуҳ, ўзгача мамнунлик билан байрам қилинмоқда. Фармони олий чиқарилиб, бу байрамлар дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Жумҳуриятимиз раҳбарияти юритаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат самараси ўлароқ мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва иноқлик, барқарорлик ва баравжлик ҳукм сурмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Мажлисининг илк анжуманида ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз И. Каримов шундай дедилар: «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар».

Ҳа, бу сўзларга тан бермай, офаринлар айтмай бўладими? Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг улкан саъи-ҳаракатлари боис мамлакатимиз узра равзатий нурлар ёғилмоқда, бутун халқимиз ўз она-Ватанини бой-бадавлат қилиш йўлида савобли ишларга қўл урмоқда.

Эртага нурафшон тонг отиши билан бир-биримизга «Ийд ур-Рамазон муборак», «Айёмингиз билан!», «Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!» деймиз ва юзма-юз келган биродаримизни бағримизга маҳкам босамиз, муқаддас байрам билан табриклаймиз. Шундай кунларга етиб келганимиз учун Оллоҳ таоло субҳонаҳуга яна бир бор ҳамду санолар айтамиз: биҳамдика, бифазлика, бикарамика, бироҳматика, ё арҳамарроҳимийн.

Ассаломуалайкум, вараҳматуллоҳу ва барокатуҳ!

# ҲАЁТ ВА ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

### Кўкаламзорлаштириш икки ойлигида фаол иштирок этайлик

*Тошкент вилояти «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танловида ғолиб, деб тан олинди. Бу ҳол айни вақтда, янги-янги ютуқларга руҳлантиради. Шунинг учун ҳам биз, экологларнинг пировард мақсадимиз — вилоятимиздаги ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир ўзбекистонликнинг сув ва ер, ўсимликлар ва ҳавонинг, жониворлар ва паррандаларнинг ҳақиқий жонкуяри, дўсти бўлиб қолишига эришишдир. Баҳор кириб келаётган ва табиат уйғонаётган ҳозирги кунларда улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш лозим. Биз Тошкент вилояти аҳолисига ва* ***Ўзбекистоннинг барча фуқароларига мурожаат қилишга қарор қилдик.***

*Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Европа ҳамжамиятининг Будапештдаги учрашувида экология аллақачонлар ҳудудий муаммо бўлиб қолмасдан, умумбашарий муаммо бўлиб қолди, деган фикрини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Янги минг йилликнинг бошланишини қандай кутиб олиниши кўп жиҳатдан ҳар бир халқнинг ва умуман бутун жамиятнинг табиат бойликларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш бўйича куч-ғайратларига боғлиқдир.*

*Ўзбекистон заминида қадим замонлардан бери ажойиб анъанага амал қилинади. Баҳорнинг бошланишида — Наврўз байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилади, дарахтлар, буталар, гуллар экилади, ҳовлилар ҳудудлари, кўчалар саранжом-саришта қилинади, ариқлар тозаланади. Шу боис бу йилги баҳор ўзгача хусусиятга эга. Унинг ҳар бир куни бизни шонли тантаналар — Ғалабанинг 50 йиллигига яқинлаштирмоқда. Агар биз 9-Майга янги боғлар ва хиёбонлар барпо этсак, дарахтлар ва гуллар эксак, бу билан Ўзбекистон жангчиларининг урушдаги қаҳрамонликларига ва уруш орқасидаги халқнинг фидокорона меҳнатига муносиб иш қилган бўламиз.*

*Пойтахт вилояти экологлари Ғалабанинг 50 йиллигига республикада биринчи бўлиб — Янгийўл туманидаги «Озод» хўжалигида экологик боғ барпо этишга бел боғладилар. Зеро, бу ерда уруш ва меҳнат фронтининг кўпгина қатнашчиларининг муқаддас хоклари ётипти. Шу сабаб шаҳарнинг янги қабристони минтақасида боғ яратишга қарор қилдилар. Биз Тошкент вилояти бошқа туманлари аҳолисини ана шу олижаноб ишда фаол қатнашишга чақирамиз.*

*Вақт кутиб турмайди! Қалб хотираси шоширмоқда! Эртага ободонлаштириш ишларини ўз ҳовлимиз, кўчамиз, маҳалламиз, корхонамиз ҳудудидан бошлаймиз. Табиатни муҳофаза қилишда яхши натижаларга эришган ҳамда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танловида ўз имкониятларини намойиш этган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, маҳаллалар, мактаблар, оилалар ва бошқа жамоалар бу олижаноб ишда жонбозлик кўрсатадилар, деб ишонамиз.*

*Табиатни муҳофаза қилишдек, ҳаммамиз учун ниҳоятда зарур бўлган саховатли ишдан ҳеч ким четда қолмайди, деб ўйлаймиз. Яхшилик — ишонч тимсоли, ҳаёт рамзи эканлигини бир дақиқа ҳам эсдан чиқармайлик!*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ «ЭКОСАН» ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ.**



***Вилоятимиздаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг механиги Тўхтасин Пирматовнинг техникани кўкламга шай қилишдаги хизмати катта.***

***СУРАТДА: Т. Пирматов иш устида.***

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Мутахассис маслаҳати*

# ЭРТАГИ КАРТОШКА МЎЛ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Авалло ҳар бир экиш мавсуми учун навни тўғри танлаш керак. Эртаги муддатда экиш учун одатда картошканинг Беларус эртагиси, Невский, Приекул эртагиси, Адретта, Незабудка, Детскосельский, Фалянский ва бундан ташқари Голландиядан келтирилган эртаги навлардан — Агата, Алькмария, Амазона, Мусония, Карина, Рези, Романа, Фреско, Премьера каби навлар тавсия этилади.

Энди ана шу уруғларга эгасиз дейлик. Бу уруғлар экиладиган ерлар, албатта, кузда ўсимлик қолдиқларидан тозаланиб, чуқур ҳайдалиб, текисланган, белгиланган миқдордаги фосфорли ва калийли ўғитлар солиниб, гўнгланиб қўйилган бўлиши шарт. Эгат олиб қўйилган бўлса яна ҳам яхши.

Фараз қилайлик, ерингиз ҳам тайёр. Энди экиш олдидан ихтиёрингиздаги уруғларни ундириб, яровизация қилишга катта эътибор бериш талаб қилинади. Бу муҳим жараёндир ва у ҳосилдорликнинг 10-15 фоиз кўпайишини ҳамда картошканинг 15-20 кун илгари — эртароқ пишиб етилишини, айрим касалликларнинг олдини олишни таъминлайди.

Ўсув даври 100 кун ва ундан кўпроқ муддатга чўзиладиган навларни эрта баҳорда экиш мумкин эмас.

Уруғлик картошкани ундиришга қўйишдан олдин сараланган, чириган, эзилган ҳамда касалликларга чалинган туганаклари ажратиб олинган бўлиши шарт. Соғлом, тоза уруғликкина ундиришга қўйилади. Ундириш хоналари ёруғ, иссиқ ва ҳавоси тоза бўлиши лозим. Уруғлик хонанинг сатҳига, жавонларга икки-уч қатламдан оширмай ёйиб қўйилади. Ёки 20-30 килограммлик яшчикларга солиб қўйилса ҳам бўлади. Ундиришнинг биринчи ҳафтаси даврида хона ҳароратининг 20-25 даража бўлиши маъқул. Бундай ҳароратда уруғлик тезда ниш уради. Кейинги даврда эса ҳарорат 12-14 даражада сақланади.

Униб чиққан нишлар экиш давригача бир сантиметрдан ортиқ ўсиб кетмаслиги муҳимдир. Акс ҳолда экиш даврида синиб кетади.

Экишдан олдин қилинадиган муҳим ишлардан яна бири — уруғликларни катта-кичиклигига қараб саралаб, сўнгра экишдан иборат. Агар бу иш амалга оширилмаса, пала-партиш экиб ташланса, у ҳолда уруғликлар ердан бир текис униб чиқмайди, бу ҳол ўсиб ривожланишга салбий таъсир этади. Вазни анча катта бўлган уруғликларнинг туганаклари 2-3 бўлакка бўлинади.

Эртаги картошкани экиш вилоятимизда 20 февралдан бошланиб, март ойининг биринчи ярмигача давом этади.

Эртаги картошкани бедапоядан бузилган майдонларга иккинчи йили, карам, сабзи, пиёз, айниқса, полиз экинларидан бўшаган майдонларга экилса юқори ҳосил олиш таъмин этилади. Аммо помидор, картошка, бақлажон ҳамда қалампир экинларидан бўшаган майдонларга экиш мумкин эмас.

Экиш махсус мосламалар ёрдамида бажарилади, уруғлик 7-9 сантиметр чуқурликка солинади, экиш схемаси 70х30 ёки 90-25 сантиметрни ташкил этиши лозим. Экиш тугаллангач, уруғлик униб чиқиш давригача ёғингарчилик бўлса, эгат устини қатқалоқ босса, бундай майдонларни сеткали бороналар билан, албатта, бир-икки марта юмшатиш талаб этилади.

Бегона ўтларни майса униб чиққан даврида йўқотган маъқул. Ўсув даврида ўсимликларни суғориш сони ва муддати нав хусусиятлари ҳамда тупроқ-иқлим шароитларига қараб белгиланади. Агар ўтлоқ-тўқай тупроқли майдонлар бўлса, 4-6 марта, бўз тупроқли майдонларда эса экинни 5-7 марта суғориш тавсия этилади. Ҳар икки суғориш ўртасида қатор оралари махсус механизмлар билан 10-12 сантиметр чуқурликда юмшатилади, ўсув даврида экин икки маротаба маданий ўғитлар билан озиқлантирилади. Биринчи озиқлантириш уруғ ердан тўлиқ униб чиққандан 10-12 кун кейин, иккинчи озиқлантириш эса ўсимлик ялписига гуллаш даврида амалга оширилади.

Ўсув даврида қатор оралари икки-уч марта юмшатилиб, бирйўла ўсимлик оралари чопиқ қилиниб, кейин суғориш эгатлари олинади.

Маълумки, эртаги картошкага колорадо қўнғизи жиддий зиён етказмоқда. Агар олимлар, мутахассислар томонидан тавсия этилган дорилар белгиланган тартибда тайёрланиб, ўз вақтида ишлатилса бу зараркунанда келтирадиган зиённи кескин камайтириши мумкин.

Картошказорларни доимо назорат қилиб боришни унутманг. Ана шунда касаллик ва зараркунандалар билан оғриган майдонларда унга қарши кураш чораларини ўз вақтида ва билиб қўллаш мумкин бўлади.

Биз тавсия этган бу маслаҳатлар, тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, май ойининг охири, июнь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳосил пишиб етилади.

Ҳосил пишиб етилгач, уни йиғиб олишни ҳам кечиктирмаслик талаб этилади. Агар кечиктирилса, маълум қисми нобуд бўлиши мумкин. Бунинг устига туганакларнинг таъми ёмонлашади.

Биз ўйлаймизки, деҳқонларимиз эл-юртимизга эртаги, сифатли картошка етиштириб бериш учун куч-ғайратларини аямайдилар, тажриба ва маҳоратларини ишга соладилар.

**А. БОҚИЕВ,**
**Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори.**

*Бир хўжалик хабарлари*

## ОРЗУСИ УШАЛГАН ФЕРМЕРЛАР

ТОШКЕНТ туманидаги Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалигида барча ерлар деҳқонларга бўлиб берилиб, 50 та фермер-деҳқон хўжаликлари ташкил этилган эди. Ерга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган миришкорлар ўтган йил ўз даласида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиб, яхшигина ютуқларни қўлга киритишди. Тўла моддий манфаатдорлик асосида иш юритиш ўзини оқлади.

Исмат Сайдиғаниев, Ёқуб Омонхожиев, Ҳаким Аҳмедов, Собит Алимов, Соибназар Жумабоев, Йўлдош Тожибоев сингари миришкор фермерлар экинлардан юқори ҳосил олишга эришдилар. Жумладан, ҳар гектар ердан 20 тонадан сабзи, 20 тоннадан ошириб картошка кавлаб олдилар. Бу йил ҳам самара яхши бўлади.

## ҒАЛЛАЗОРЛАР МУҲОФАЗАДА

ДОН мўл ва кўп бўлса, халқимиз тўқ бўлади. Президентимизнинг ғалла етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги фармони айнан ана шу эзгу мақсадга қаратилгандир. Бултур Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари юртбошимиз даъватига жавобан 400 гектар ерга кузги буғдой экдилар.

Ҳозир хўжаликда бўлган киши кўм-кўк майса билан қопланган ғаллазорларга боқиб, завқ-шавққа тўлади. Бу бизнинг бўлғуси юксак дон хирмонимиз замини. Президентимиз фармонида таъкидланганидек, энди уни пайҳон қилишдан сақлашимиз ҳам керак. Хўжаликда ғалла ва бошқа кузги экинларни пайҳон этилишидан сақлаш учун тегишли зарур жойларда доимий постлар ташкил этилган.

**Т. САФАРОВ.**

